



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
UCHQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

2021 - yil 22 - dekabr

444-6-87-Q/21

Uchqo‘rg‘on tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро вилоятида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 16 ноябрдаги 685-сонли ва шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 24 ноябрдаги 375-6-0-Q/21-сонли қарорлари ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро вилоятида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 16 ноябрдаги 685-сон ва шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 24 ноябрдаги 375-6-0-Q/21-сонли қарорлари ижросини туманда таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро вилоятида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 16 ноябрдаги 685-сонли ва шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 24 ноябрдаги 375-6-0-Q/21-сонли қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбек миллий мақом санъати марказининг 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба май ойида Бухоро шаҳрида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулланганлиги;

Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Қуйидагиларни назарда тутувчи Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ

тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман маданият бўлими (Д.Исроилов) Бухоро вилоятида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалида туман вакилларининг фаол иштирокини таъминлаб борсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Турсунов зиммасига юклансин.

Туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари



Б.Тўламирзаев